ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

НУРУМБЕТОВА САДОҚАТ АЛЛАЯРОВНА

ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАР ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК: 343.982.3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна
Трасологик экспертизалар ўтказишни такомиллаштириш..... 3

Нурумбетова Садокат Аллаяровна
Совершенствование проведения трасологических экспертиз..... 23

Nurumbetova Sadokat Allayarovna
Improvement of the holding of traceological expertise..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

НУРУМБЕТОВА САДОҚАТ АЛЛАЯРОВНА

ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАР ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Маматқулов Тўлқин Бойхўрозович** юридик фанлар номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Закурлаев Абдумутал Каримович** юридик фанлар доктори, доцент
	Қулматов Шароф Асадович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 21 ноябрь соат 15:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (116 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 9 ноябрда тарқатилди.

2020 йил 9 ноябрдаги 25 рақамли реестр баённомаси.

А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рўй бераётган интеграция жараёнлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилишни, шунингдек содир этилган жиноятларнинг тез ва самарали очилишини, одамлар тақдирининг кўп жиҳатдан одилона ҳал этилишини таъминлашда суд экспертлик фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Таҳлилларга қараганда қўзғатилган жиноят ишларининг ҳар иккитасидан бирида экспертиза тайинланади, ҳар тўрттасидан бирида учтадан еттитагача турли хилдаги экспертиза ўтказилади, ҳар бештасидан бирида трасологик экспертиза ўтказилади[1]. Жиноятчиликка қарши курашишда экспертларнинг замонавий технологиялардан фойдаланишга, трасологик тадқиқотлар доирасида электрон криминалистик ҳисоблар юритилишига, шунингдек трасологик экспертизаларни ўтказиш самарадорлигини оширишга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши курашда трасологик (изшунослик) таълимотдан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш, жиноят процессида ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришнинг янги механизмларини жорий этиш зарурати бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини талаб этмоқда. Излар билан ишлашнинг ҳуқуқий талабларини қонунчиликда акс эттириш, излар билан ишлашда эксперт ёки мутахассислардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, трасологик объектларни тадқиқ этиш тартибини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда содир этилган жиноятларни тез ва тўлиқ очиш ҳамда жиноятга алоқадор изларни аниқлаш учун экспертизанинг бир қатор турларидан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, суд экспертлик амалиётига янги инновацион ишланмаларни жорий этиш, суд экспертизалари турларини кенгайтириш, сифати ва ишончлилигини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган[2]. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлили эксперт-криминалистик бўлинмаларда тайинланган трасологик тадқиқотларнинг 2017 йилда 2567 тадан 2259 таси, 2018 йилда 1520 тадан 1364 таси, 2019 йилда 1100 тадан 782 таси амалда ўтказилганини кўрсатмоқда[3]. Бу эса, жиноят ишларини юритишда излар билан ишлашдаги трасологик таълимотнинг назарий ва амалий билимларидан фойдаланишни такомиллаштиришни, трасологик экспертизаларни ўтказишда замонавий технология ва микроизлардан самарали фойдаланиш тизимини шакллантириш, экспертизанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликда қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

---

[1] https://ceur.ru/library/articles/sudebnaja_jekspertiza/item128831/.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарори // https://lex.uz/docs/4172023.

[3] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бош эксперт-криминалистика марказининг 2017–2019 йиллардаги фаолияти юзасидан статистикаси.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон фармони, 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон, 2018 йил 14 январдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон, 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон, қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда трасологик экспертизаларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги аҳамиятли жиҳатлари Ғ.А. Абдумажидов, Б.Т. Акромходжаев, И.Р. Астанов, Л.П. Баканова, А.Ш. Баратов, А.А. Закурлаев, А.С. Закутский, У. Вахдатхўжаев, А.А. Икромов, М.М. Луқмонов, Т.Б. Маматқулов, Д.М. Миразов, Р.А. Мухитдинов, А. Норбоев, Г.Ф. Никишин, Т.Э. Орипов, С.Ж. Пардаев, Б.Х. Пўлатов, Ю.С. Пулатов, Қ.Т. Суяров, Г.З. Тулаганова, Х.А. Тураббаев, Э. Чуряков, Ш.З. Ўразаев томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар орасида трасологик экспертизаларнинг айрим турларини такомиллаштириш Ian K. Pepper, John Horswell (Буюк Британия), David E. Learner, Barry A. J. Fisher, David R. Fisher (АҚШ), Chris D. L. Hunt, Rod Gehl and Darryl Plecas (Канада), Cameron S. D. Brown (Австралия), Seswantsho Godfrey Lebeya (Жанубий Африка Республикаси) томонидан ўрганилган.

Трасологик экспертизаларнинг айрим назарий ва амалий муаммоларини Р.С. Белкин, Е.Б. Бурцева, М.В. Беляев, Л.В. Виницкий, Г.Л. Грановский, Л.А. Иванов, С.А. Кругляк, Н.П. Майлис, А.В. Морозов, Е.П. Разбежкин, Е.Р. Россинская, Ф.П. Сова, О.А. Соколова, Т.Э. Сухова, Д.А. Тарасов, Д.А. Харченко, Б.И. Шевченко, А.Р. Шляхов, Н.П. Яблоковлар[4] ўз илмий ишларида кўриб чиққанлар.

Мазкур изланишларда трасологик экспертизалар ўтказишнинг умумий жиҳатларига эътибор қаратилиб, ушбу турдаги тадқиқотларнинг махсус методикалари ҳамда ривожланиш истиқболлари қисман ёритилган. Республикамизда амалдаги жиноят қонунчилиги ҳамда ички ишлар органлари

[4] Бу ва бошқа олимларнинг илмий асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

фаолиятининг замонавий ҳолатини инобатга олган ҳолда мазкур мавзу махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ устувор йўналишларидан бўлган «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштириш масалалари ҳамда унга киритилаётган ўзгартишларни амалда жорий этиш» мавзуси доирасида ўтказилган.

Тадқиқотнинг мақсади трасологик экспертизаларни ўтказишни такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот мавзусига доир тушунчаларга криминалистик нуқтаи-назардан янгича илмий таъриф бериш ва уларнинг доирасини аниқлаб олиш;

трасологик экспертизаларни ҳуқуқий таъминлашнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

эксперт-криминалистика хизматларининг трасологик экспертизаларни ўтказишдаги моддий-техник таъминотини ўрганиш;

трасологик экспертизаларнинг услубий асосларини ўрганиш ва умумлаштириш;

трасологик экспертизалар ўтказишда объектлар билан ишлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тадқиқ этиш;

трасологик экспертизалардаги алоҳида тадқиқ этиш босқичининг муаммоли жиҳатларини ёритиш;

трасологик экспертиза хулосаларини шакллантиришдаги натижаларга баҳо бериш босқичидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш;

трасологик экспертизаларни ўтказиш бўйича айрим хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар бериш;

трасологик экспертизалар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш;

трасологик объектларни текшириш учун криминалистик ҳисоблар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти трасологик экспертизалар ўтказиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети трасологик экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуга оид масалаларни ўрганишда анализ, синтез, дедукция, индукция, мантиқийлик, тизимли-тузилмавий, формал-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговга қадар текширув босқичида экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек унга ёхуд унинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали уни ёлғон хулоса беришга мажбур қилиш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асослантирилган;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг экспертиза (шу жумладан, трасологик) тайинлаш ҳақидаги қарори терговга қадар текширув босқичида экспертиза ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланиши исботланган;

сифатли ва мақбул далилларни тўплаш самарадорлигини ошириш учун қонун ҳужжатларида давлат суд-экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилган суд экспертизаси (шу жумладан, трасологик) хулосаси бўйича қўшимча, қайта, комиссиявий ва комплекс суд экспертизаларининг нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкинлигини белгилаш зарурати ва афзалликлари асослантирилган;

тадқиқот учун тақдим этилган объектларнинг шикастланиши (бузилиши) ёки сарфланиши талаб этиладиган ҳолларда, бундай ҳолат юзасидан экспертиза тайинлаган орган (мансабдор шахс)ни огоҳлантириш шарти ва тартибини идоравий ҳужжатларда белгилаш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарори (18.04.2017) қарорига асосан бузиш қуроллари, уларнинг излари, пойафзал ва транспорт воситаларининг излари орқали фош этилмаган жиноятларни очиш, трасологик объектларнинг умумий ва хусусий идентификацион тадқиқотларидаги самарадорлигини ошириш, ашёвий далиллар ҳисобини хусусий белгилари бўйича тизимлаштириш, трасологик ашёвий далиллар жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларнинг буюмларидан қолдирилганлиги бўйича идентификациявий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида «Бузиш қуроллари, уларнинг излари, пойафзал ва транспорт воситалари изларининг криминалистик ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома» лойиҳаси тайёрланиб, ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан ҳуқуқий асос тариқасида белгиланган тартибда қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этиш учун тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказининг 2020 йил 6 майдаги 21/445-сон маълумотномаси).

Тадқиқот иши натижаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган пойафзал ва қулфлар тадқиқотларини ўтказишда намуна бўлувчи ўқув-амалий қўлланма, шунингдек трасологик экспертизаларни ўтказишда ҳал этиладиган саволлар жамланмаси келгусида экспертлар томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий

тажрибалар, социологик тадқиқотларни анкеталаштириш, интервью олиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари тегишли ҳужжатлар билан асослантирилган. Илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказининг 2015–2019 йилларга оид расмий статистик маълумотлари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номли Суд экспертиза марказининг 2017–2019 йиллардаги трасологик экспертизаларни ўтказиш амалиётига доир статистик маълумотлари, ИИВнинг 200 дан ортиқ экспертлари, ДХХнинг 30 га яқин, ички ишлар органларининг 200 дан ортиқ терговчи ва суриштирувчилари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари, 100 дан ортиқ трасологик экспертиза хулосаларининг таҳлиллари умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг назарий хулоса, таклиф ва тавсияларидан келгуси илмий тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлиги жараёнида, суд-экспертиза амалиётида, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини талқин этишда, шунингдек «Криминалистик экспертизалар», «Криминалистика», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Дастлабки тергов», «Тезкор-қидирув ҳуқуқи» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жиноятчиликка қарши курашишда трасологик экспертизалар тадқиқотларининг самарадорлигини янада ошириш ва мақбуллаштиришга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Трасологик экспертизалар ўтказишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

терговга қадар текширув босқичида экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек унга ёхуд унинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали уни ёлғон хулоса беришга мажбур қилиш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгилаш ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-542-сон қонунининг 25-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 19 февралдаги 06/1-06/498-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши экспертларнинг экспертиза хулосаларини тўғри бериш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилган;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг экспертиза (шу жумладан, трасологик) тайинлаш ҳақидаги қарорининг терговга қадар текширув босқичида экспертиза ўтказиш учун асос бўлишига доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-542-сон қонунининг 25-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 19 февралдаги 06/1-06/498-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши экспертизага тақдим этиладиган текширув объектларига нисбатан тўғри ва асосли хулосалар беришга доир амалиётни таъминлашга хизмат қилган;

сифатли ва мақбул далилларни тўплаш самарадорлигини ошириш учун қонун ҳужжатларида давлат суд-экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилган суд экспертизаси (шу жумладан, трасологик) хулосаси бўйича қўшимча, қайта, комиссиявий ва комплекс суд экспертизаларининг нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкинлигини белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган низомнинг ўн иккинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 14 октябрдаги 12/20-15-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши трасологик экспертизалар ўтказишнинг сифати ва шаффофлигини таъминлашга ҳамда бу борадаги амалиёт самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тадқиқот учун тақдим этилган объектларнинг шикастланиши (бузилиши) ёки сарфланиши талаб этиладиган ҳолларда, бундай ҳолат юзасидан экспертиза тайинлаган орган (мансабдор шахс)ни огоҳлантириш шарти ва тартибини идоравий ҳужжатларда белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июндаги «Эксперт-криминалистика бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 108-сон буруғи билан тасдиқланган йўриқноманинг 90-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 30 сентябрдаги 21/1225-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши трасологик тадқиқотлар учун тақдим этилган объектлар билан ишлашда мавжуд бўлган қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқнинг тўлдирилиши ва зиддиятларнинг бартараф этилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та иш, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистонда фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Трасологик экспертизаларни назарий-ҳуқуқий таъминлаш**» деб номланган бўлиб, учта параграфдан иборат. Мазкур боб трасологик экспертизалар тадқиқотларининг амалиётини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган. Унда трасологик экспертизаларнинг тадқиқотларини ўтказишда суриштирув, тергов органлари, эксперт бўлинмалар фаолиятининг ҳозирги ҳолати тадқиқ этилган, мавжуд муаммолар кўрсатилган, уларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

«*Трасологияга оид таълимотлар ривожланишининг босқичлари*» деб номланган биринчи параграфда тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда трасологик экспертизаларнинг фан тариқасида шаклланиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ривожланиш жараёнларини аниқлаб олиш ва уларни илмий-назарий жиҳатдан бойитган ҳолда назария ва амалиётга татбиқ этиш, трасологик экспертизаларнинг тадқиқотларида текширувлар ўтказиладиган изларга нисбатан тор ва кенг маънодаги тушунчалар борасида баҳс-мунозаралар юритилган, олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда «трасологик излар» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Муаллиф трасология таълимотининг Ўзбекистонда ривожланиш тарихини қуйидагича даврлаштиришни таклиф қилган:

1) трасологик экспертизаларнинг юзага келиши (XX асрнинг 30–70-йиллари);

2) давлат мустақиллигигача бўлган даврда трасологик экспертизаларнинг шаклланиши (XX асрнинг 70–90-йиллари);

3) трасологик экспертизалар ривожининг ҳозирги даври (XX асрнинг 90-йиллардан кейинги йиллар).

Бир қатор криминалист олимларнинг излар ҳақидаги фикрларини таҳлил қилган ҳолда диссертант «из» тушунчасини криминалистик ва процессуал маъноларда қўллаш мумкинлигини, бунда «из» тушунчаси процессуал маънода жиноят ишларининг далилий базасини шакллантириш учун ишлатиладиган манбани, криминалистик маънода эса қидирув ҳаракатларида ишлатиладиган маълумотларнинг бутун мажмуини англатиши таъкидлаган.

«*Трасологик экспертизаларни ҳуқуқий таъминлашнинг бугунги ҳолати*» деб номланган иккинчи параграфда муаллиф экспертизалар ўтказишнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асосларини ҳамда уларнинг муҳим жиҳатларини кўрсатиб берган. Шунингдек, экспертиза ўтказиш жараёнида экспертларнинг

терговга қадар текширувда тайинланган экспертиза хулосаларининг тўғрилиги учун масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида терговга қадар текширувда тайинланган экспертиза хулосалари учун нотўғри хулоса берганлиги учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш таклифи илгари сурган.

Бундан ташқари, диссертацияда экспертнинг ўз иши учун масъулиятини ошириши ҳамда ўтказилаётган экспертиза бўйича ёлғон хулоса бермаслигини таъминлаш мақсадида қарор чиқарган шахс томонидан қатъий огоҳлантирилишини, экспертнинг ушбу талабни бажармагани учун жавобгарлигини, жиноят иши тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив тергов қилинишига, одил судлов амалга оширилишига, қонуний ҳукм ёки фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича қонуний ҳал қилув қарори чиқарилишига замин яратилишини процессуал жиҳатдан таъминланш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддасидаги бўшлиқни қуйидаги норма билан тўлдириш таклиф этилган:

«Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар *экспертнинг ёлғон кўрсатма ёки гувоҳлик берганлиги бўйича жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантириш*; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим».

«*Трасологик экспертизаларни ўтказишни замонавий техник воситалар билан таъминлаш зарурати*» деб номланган учинчи параграфда трасологик экспертизаларни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган криминалистик-техник воситаларнинг таснифланиши ҳамда изларни олиш, қайд этиш, тадқиқотлар ўтказишдаги вазифаларнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилган.

Социологик сўровларда трасологик экспертизаларни ўтказишнинг замонавий техник воситалар билан таъминланиш даражасини эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг 47 фоизи – салбий («техник воситалар ҳам, адабиётлар ҳам етарли эмас»), 41 фоизи – қониқарли («техник воситалар ёки адабиётлар етарли эмас»), 10 фоизи – яхши («адабиётлар ҳам, техник воситалар ҳам етарли») баҳолаган.

Диссертантнинг фикрича, трасологик тадқиқотлар ўтказиш жараёнлари ва объектлар билан ишлашда маълумот етишмаслиги трасологик экспертиза хулосаларининг самарадорлигини пасайтиради. Муаллиф бевосита трасологик экспертизаларни ўтказишда замонавий техника воситалари ҳамда барча турдаги трасологик объектларнинг турларига оид маълумотлар базаси электрон шаклда бўлиши лозимлигини, шунингдек бутун республика эксперт-криминалистика бўлинмаларининг экспертлари ундан фойдаланиш имконига эга бўлишлари лозимлигини асослантирган.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг техник-криминалистик воситаларни тизимлаштиришга оид фикрларини таҳлил қилган ҳолда трасологик

тадқиқотларни ўтказишда қўлланилиши лозим бўлган ва ҳозирги вақтда тадқиқот ўтказишда қўлланилаётган техник-криминалистик воситаларнинг бугунги аҳволини анкета сўрови асосида ўрганиб, замонавий техник воситаларни амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиққан.

Жумладан, изларни аниқлаш ва қайд этишда уларни ўзгартириб юборувчи бир қанча восита ва усуллар ишлатилганлиги сабабли, биринчи навбатда, уларнинг кейинги тадқиқот натижаларига таъсир этмайдиган ҳамда уларнинг натижаларини йўққа чиқармайдиганларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертант излар билан ишлашда қўлланилиши лозим бўлган техник-криминалистик воситаларнинг вазифаларига кўра изларнинг жиноят ҳодисасига тегишлилигини аниқлаш, жиноятни очиш ва тергов қилишга алоқадор ҳолатларни аниқлаш мақсадида изларнинг вужудга келиш шароитларини аниқлаш, из ҳосил қилувчи объектнинг идентификациявий белгилари тўғрисида маълумотлар олишнинг муҳим жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда замонавий техника воситаларидан фойдаланишда турли микроскопларнинг хусусиятларини, жумладан микроизларни суратга олишда фотоаппарат ўрнатиш учун махсус фотомосламаси бўлган МБС-1, МБС-2 ва МБС-10 стереоскопик микроскопларидан, таққослаш учун эса МСК-3, Leica FSC ҳамда электрон микроскоплардан фойдаланиш мумкинлигини асослаган. Жуда майда изларни 300 мартадан 500 мартагача катталаштириб кўриш имконини берадиган универсал биологик МБИ-6 микроскопини ишлатиш, нарсалардаги микрозарраларни суратга олиш учун ОИ-19М, ОИ-19 ёки ОИ-24 чироқлар билан ёритган ҳолда тадқиқот олиб бориш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Трасологик экспертизаларни ўтказишнинг ҳозирги тамойиллари**» деб номланган бўлиб, унда трасологик экспертизаларни ўтказишда объектлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари, бугунги тадқиқотларда бу борада юзага келаётган муаммолар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилган.

Ушбу бобнинг «*Трасологик экспертизаларнинг дастлабки тадқиқотларида объектлар билан ишлашнинг хусусиятлари»* номли биринчи параграфида трасологик экспертизаларнинг турларидан келиб чиққан ҳолда уларга нисбатан амалга ошириладиган тадқиқотларнинг муҳим томонлари кўрсатилган.

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эксперт-криминалистика хизмати ходими томонидан ашёвий далилларни аниқлаш фаолияти бўйича 2016 йилда республикамизда олинган жами 36 161 та далилий ашёнинг 9528 таси юзасидан экспертиза тадқиқоти ўтказилган. Ушбу кўрсаткичлар 2017 йилда тегишлича 37 609 ва 9822 тани, 2018 йилда 35 856 ва 11 043 тани, 2019 йилда эса 24 483 ва 7736 тани ташкил этган[5], яъни далилий ашёлар сони жуда кўп, лекин уларнинг жуда кам қисми бўйича экспертиза тадқиқотлари ўтказилган. Статистик маълумотлар ичида энг

[5] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказининг 2016−2019 йилларга доир фаолияти бўйича статистик маълумотлари асосида берилмоқда.

салбий натижа микрообъектлар бўйича аниқланган бўлиб, 2018 йилда республика бўйича олинган 1177 та микрообъектнинг 67 таси юзасидан тадқиқот ўтказилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткичлар тегишлича 1964 ва 5 тани ташкил этган, холос.

Объектлар билан ишлашнинг назарий жиҳатлари амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, эксперт-криминалистика бўлинмаларида трасологик экспертизаларнинг қайси турлари кўпроқ ўтказилишини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровда иштирок этган экспертларнинг 23 фоизи – қулфлар экспертизаси, 25 фоизи – пломбалар, 25 фоизи – транспорт воситалари, 15 фоизи – пойафзал, 5 фоизи – кийимларда қолган механик шикастланишлар, 5 фоизи – ишлаб чиқариш механизмларининг маҳсулотларда қолган излари экспертизаси, 2 фоизи эса экспертизанинг бошқа турлари кўпроқ ўтказилишини қайд этишган.

Тадқиқот жараёнида жойларда турли хил экспертиза тадқиқотлари ўтказилаётгани аниқланган. Лекин уларнинг натижаси қандайлигини аниқлаш мақсадида экспертларнинг турли трасологик экспертизаларни ўтказиш имконияти таҳлил қилинганида уларнинг 10 фоизи – қулфлар экспертизасини, 13 фоизи – пломбалар, 15 фоизи – транспорт воситалари излари, 25 фоизи – пойафзал излари, 5 фоизи – кийимларда қолган механик шикастланишлар, 17 фоизи – ишлаб чиқариш механизмларининг маҳсулотларда қолган излари экспертизаларини, шунингдек фақатгина 15 фоизи барча турдаги трасологик экспертизаларни ўтказа олиши маълум бўлган.

Диссертант трасологик объектлар билан ишлаш амалиёти натижаларини таҳлил қилиш асосида уни янада такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни тавсия этган:

экспертиза муассасалари, лабораториялар бир хилда ривожланмаётгани боис ушбу жараёнларнинг мониторингини олиб бориш тизимини яратиш ва орқада қолаётган экспертиза соҳаларини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

трасологик экспертиза ўтказувчи экспертларга қўйилаётган саволларга аниқ жавоблар берилишини таъминлаш мақсадида эксперт-трасологларда микрообъектлар ва микроизлар билан ишлаш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш;

трасологик экспертизаларнинг объектларига нисбатан, яъни бир турга оид бир неча хил объектларни ўз ичига олган ва йилдан-йилга муомалага кириб келаётган объектлар тўғрисида маълумотлар етарли эмаслиги сабабли, доимий равишда янгиланиб турувчи ягона электрон маълумотлар базаси яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

транспорт воситаларининг шиналари ва уларнинг излари бўйича ўтказиладиган тадқиқотларда маълумотлар олиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан кириб келаётган шиналар (кўриниши ва белгилари) бўйича электрон каталог ташкил этиш;

трасологик объектлар билан ишлашни такомиллаштириш ва мавжуд муаммолар ечимини топишда трасологик объектларга тегишли криминалистик ҳисоб юритишни жорий этиш;

экспертлар томонидан ўтказилаётган эҳтимолий экспертиза хулосалари кўпайиб кетаётганини инобатга олиб ҳамда уларнинг аниқ жавоблар бериш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида эксперт-трасологларнинг билимини «интеграцион» билимлар билан бойитиш.

Юқоридаги таклифлардан келиб чиқиб, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида трасологик ашёвий далиллар бўйича криминалистик ҳисоблар юритиш тартибини белгилаб берувчи ягона ташкилий ва методик асослар тасдиқланган идоравий ҳужжат бўлмаганлиги сабабли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон (18.04.2017) қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 108-сон буйруғи (18.06.2017) талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказида «Бузиш қуроллари, пойафзал ва транспорт воситалари шина изларининг криминалистик ҳисобини» юритиш тартибини амалиётга жорий этиш бўйича Йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда белгиланган тартибда қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш учун ИИВ ЭКБМга тақдим этилган.

«Трасологик экспертизалардаги батафсил тадқиқ этиш тадқиқотининг бугунги ҳолати» деб номланган иккинчи параграфда республикамиз эксперт-криминалистика фаолиятида ўтказилаётган трасологик экспертизаларда пойафзал излари, қулфлар, пломбалар, ишлаб чиқариш механизмларининг маҳсулотларда қолган излари, транспорт воситаларининг излари ўрганиб чиқилиб, таҳлил натижаларига асосланган ҳолда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишнинг назарий ва амалий томонларини ҳисобга олиб, экспертнинг ўз иши натижалари учун масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ЎРҚ-249-сон қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг экспертиза хулосаларини бериш тартибларига оид моддаларига тегишли таклифлар берилган.

Тадқиқотчи томонидан ҳозирги вақтда амалиётда алоҳида тадқиқ этиш босқичида микроизлар ёки микрообъектларга эътибор қаратилмаётгани, бу эса фаолият самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётгани илмий асосланган. Хусусан, эксперт-криминалистика бўлинмаларида ўтказилган сўровномага кўра, «Алоҳида тадқиқ этиш босқичида микроизлар тадқиқотини қандай ўтказасиз?» деган саволга экспертларнинг 5 фоизи – микроскоп ёрдамида тадқиқот ўтказишини, 42 фоизи – микроизлар билан ишламаганлигини, 13 фоизи – трасологияда микроизлар ишлатилмаслигини, 40 фоизи – микроизлар бўйича маълумоти ва зарур техника воситалари йўқлиги боис бундай тадқиқот ўтказмаслигини таъкидлашган.

Анкета сўрови бўйича жавоблардан аксарият экспертлар микроизларга мурожаат этмаслигини, у ҳақда маълумотга эга эмаслиги ҳамда махсус техника воситаси йўқлиги боис трасологик тадқиқотлар тўлиқ ўтказилмаслигини кўриш

мумкинлигини асослаган. Бу борада диссертант трасологик экспертизаларнинг батафсил тадқиқотларида микроизлар билан ишлаш амалиётини асосан қулф, пломба ва қисмлар орқали яхлитни аниқлаш жараёнида, тиш излари тадқиқотларида шакллантиришни тавсия этган.

Диссертацияда қайд этилишича, алоҳида тадқиқ этиш босқичидан кейин таққослаш учун экспериментал намуна олиш керак бўлади. Эксперимент тадқиқотининг талаблари бўйича объектдан изнинг экспериментал намунасини камида беш марта олиш ҳамда тадқиқотга тақдим этилган из ҳосил қилинган юза материали пухта танланиши лозим. Бироқ ҳозирги амалиёт таҳлили ва сўров натижалари экспертларнинг 25 фоизи – икки марта, 60 фоизи – бир марта, 10 фоизи – уч марта ва атиги 5 фоизи – беш мартагача экспериментал намуна олишларини кўрсатади.

Муаллиф экспертнинг иш тажрибаси ортиб бориши билан уч марта экспериментал намуна олиб ҳам изларга ишонч ҳосил қилган ҳолда эксперимент ўтказиш имконини бериши мумкинлигини эътироф этган ҳолда, мазкур уч марталик намуна олиш ҳам экспертларнинг атиги 10 фоизи томонидан амалга оширилаётганлиги экспериментал намуналарнинг белгиланган талаблар асосида олинмаслигига ҳамда тадқиқотлар натижаси ишончли чиқмаслигига олиб келишини асослаб берган. Шу боис диссертант тадқиқот давомида эксперт хусусий белгиларни аниқ таққослаш учун олган экспериментал намуналар сонини хулосада акс эттириши лозимлигини ҳам бир талаб сифатида белгилашни тавсия этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ЎРҚ-249-сон қонуннинг 14-моддаси биринчи қисмини − *«била туриб нотўғри хулоса берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида суд экспертини огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) хулоса билан бирга юбориши»* тарзида, 17-моддасининг биринчи қисмини эса, *«Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади»* тарзида ифодалашни таклиф этган.

«*Экспертиза хулосаларини ўтказишда натижаларни баҳолаш тадқиқотининг муаммолари*» деб номланган учинчи параграфда муаллиф экспертизалар натижаларини баҳолашда учрайдиган хато ва камчиликларнинг «фаолиятли», «процессуал», «гносеологик» турларини кўриб чиққан, мазкур хатоларнинг экспертиза хулосаларини беришдаги салбий оқибатларини ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан қуйидагиларни тавсия этган:

а) экспертнинг суд, терговчи, прокурор ҳамда экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ва объектларни олиб келувчи шахслар билан

ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, яъни тадқиқотга тақдим этиладиган объектларнинг сифатлилигини таъминлаш;

б) эксперт-трасологларнинг «интеграцион» билимини оширган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш;

в) илмий-техник ютуқларни ҳисобга олган ҳолда янги методикалар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказида ҳар уч ойда ўтказиладиган текширувлар натижаларига кўра олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош ТИИБ ЭКГ ва Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ЭКБда ўтказилган трасологик экспертизаларнинг хулосаларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Трасологик экспертизаларни такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган бўлиб, унда эксперт-криминалистика фаолиятига оид илғор хорижий тажрибаларни миллий назария ва амалиётга татбиқ этиш масалалари таҳлил қилинган.

«*Трасологик экспертизаларни ўтказиш бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибасини имплементация қилиш асослари*» деб номланган биринчи параграфда АҚШ, Япония, Германия, Латвия, Словакия, Туркия, Испания, Польша ва бошқа ривожланган давлатларнинг эксперт-криминалистика фаолиятига оид тажрибалари ўрганилиб, экспертлик фаолиятимизни такомиллаштиришга, трасологик экспертизаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида миллий экспертлик фаолиятида трасологик излар билан ишловчи лабораториялар ташкил этиш билан бир қаторда экспертларга махсус ваколат берувчи жиноят-қидирув лабораториялари» ташкил этилиши лозимлиги, бу ваколат хусусий экспертларга асосли равишда далилларни тўплаш, текшириш ва сақлаш имконини бериши асослаб берилган.

«Трасологик экспертизалар ўтказишни такомиллаштириш истиқболлари» номли иккинчи параграфда Японияниинг экспертлик фаолиятида экспертларга кенг имкониятлар бериш тажрибасидан келиб чиқиб, экспертиза ўтказиш жараёнида экспертга зарур маълумотлар олиш борасида муайян мутахассисларга тўғридан-тўғри расмий мурожаат қилган ҳолда объектга доир маълумотларни олиш имконини яратувчи ваколат бериш тавсия этилган.

